



**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURKHONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION**



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ Х.УДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ХАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

*Илм келажасгимиз равнацидир*

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION

*Илмий маџолалар журналы*

N-2 2023



ТАЪСИСЧИЛАР;  
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ Х.УДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ  
МАРКАЗИ ХДМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**Х,ар чоракда 1 марта чиқади.**

**Jurnal 25-05-2020 yil. №11-079  
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil  
12 dekabrda № 01-06/25-04 raqamli xati  
asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat  
ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVONNOMA N-11-079.**

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat  
xizmatlari portali.  
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

**Hujjat yaratilgan sana: 2020-05-25.**

**Ariza raqami: 19051279.**

**НАШР ИНДЕКСИ 190-111.**

ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ  
матбаа булимида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кучаси 28-уй.  
Босишга рухсат этилди: 22.05.2023.  
Когоз бичими 60x84 1/8.  
Босма табаги 12,0. Офсет босма.  
Офсет к;огози. Адади 100.  
Бахоси келишилган нархда.  
Буюртма № 19.

Техник ходимлар:  
Хидиров Холмат  
Мамаражабов Гайрат  
Умаров Икром  
Сахифаловчи:  
Кушокова Мохигул

Тахририят манзили: Сурхондарё вилояти  
Термиз шаҳри "Баркамол авлод" кучаси 43 уй.  
tursunovsafullo12@mail.ru  
Тел: 876 223 07 66.  
+99 891 577 90 50,  
+99 894 200 49 55,  
+99 891 229 22 29.

Бсш мухаррир:

Главный редактор:

Chief Editor:

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**

**Тарих фанлари доктори, профессор**

**Термиз давлат университети**

Бсш мухаррир уринбосари:

Заместитель главного редактора:

Deputy Chief Editor:

**Кобулов Эшболта Атамуродович**

**Тарих фанлари доктори, Термиз давлат**

**университети, Педагогика институти директори**

Журналнинг илмий котиби:

**Умуркулов Бекпулат филология фанлари**

**доктори, Термиз давлат университети**

**ТАХ,РИР ХАЙЪАТИ:**

Марахимов Авазжон

Тураев Назар

Муртазоева Рахбархон

Сагдуллаев Анатолий

Абдуллаев Улугбек

Ашуров Адхам

Дониёров Алишер

Шамсиддинов Рустам

Эшов Баходир

Обломуродов Наим

Мухаммадиев Рахмон

Эргашева Юлдуз

Буриев Очил

Давлатова Саодат

Гоффоров Шокир

Худой^улов Абдулла

Пардаев Тошкенбой

Рахимов Фанишер

Холмунинов Жуманазар

Турсунов Нурулло

Холмунинов Хусан

Тухтаев Абдугани

Хайитов Шодмон

Ирис^улов Олимжон

Саидов Илхом

Якубова Диларам

Саидов Бахтиёр

Акчаев Фаррух

Усмонов Муртоз

**ЖАМОАТЧИЛИК**

**КЕНГАШИ:**

Турдиев Тоштемир

Убайдуллоева Барно

Курбонова Манзилла

Рахмонов Фахриддин

Ёрматов Фахриддин

Чориев Рузимурод

Косимов Асрориддин

Вохидов Шодмон

Кодирова Дилбар

Рахимов Баходир

Юнусова Хуршида

Тураев Хайит

Хасанова Нодира

Бобожонова Дилором

Эшощулов Абдужаббор

Алланов Килич

Тилекулов Гаухар

Али^улов Рустам

Мирзаев Ибодулло

Панжиев Нормамат

Жабборова Шоира

Чориев Иргаш

Хртамов Очилди

Турсунов Жавли

Файзуллаева Мавлуда

Туропова Мохдил

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РУЙХАТИ:

1. Турсунов.С.Н.ва бошқалар.Сурхондарё тарихи. -Тошкент: Шарк, 2004. - Б. 480-481.
2. Мустакил Ўзбекистоннинг янги тарихи, 3 китоб. -Тошкент: Шарк, 2000. - Б. 298.
3. Ўзбекистон Республикаси ЭнциклопедиясиДомуслар бош тахририяти.-Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - Б. 231.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР 1988 й. -Ташкент: Узбекистан, 1989. - С. 162.
5. Халқ сузи, 1991, 20 ноябрь. - Б. 2-3.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий Давлат архиви. И 8-фонд, 1-руйхат, 323-хужжатлар, 14-16-68-варақлар.
7. Сурхондарё вилояти статистика бош бошқармаси 1993 йил. 12.02. 67-69 б.

## ТРАНСПОРТ ТАРМОҚЛАРИНИНГ СУРХОН ВО^А ИҚТИСОДИЁТИДАГИ А^АМИЯТИ

**Хидиров Холмамат Джураевич,**  
Термиз давлат университети  
Жахон тарихи кафедраси уқитувчиси,  
тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Аннотация:** Дунёнинг ривожланган мамлакатларида глобаллашув ва урбанизация жараёнларининг жадаллашуви тараккиётнинг асосий таянчи булган замонавий транспорт тизимининг интенсив тараккиётини такозо этмокда. Бу эса, жахоннинг турли давлатларида транспорт тизимининг жахон андозаларига мос холда ривожланиш тенденцияларини турли тарихий даврлар контекстида урганишга булган кизиқишнинг ортишига олиб келмокда.

**Калит сузлар:** Сув транспорти, Аракс, Укуз, Окс, Жайхун, Термиз дарёси, Вахандарё, Помирдарё, Гунт, Бартагдарё ва Ванч, Бурдагуй калъаси, Эски Термиз.

**Аннотация:** Ускорение процессов глобализации и урбанизации в развитых странах мира требует интенсивного развития современной транспортной системы, являющейся главной опорой развития. Это приводит к повышению интереса к изучению тенденций развития транспортной системы разных стран мира в соответствии с международными стандартами в разрезе разных исторических периодов.

**Ключевые слова:** Водный транспорт, Аракс, Окуз, Окс, Джейхун, река Термез, Вахандарья, Помирдарья, Гунт, Бартагдарья и Ванч, замок Бурдагуй, Старый Термез.

**Abstract:** The acceleration of the processes of globalization and urbanization in the developed countries of the world requires the intensive development of the modern transport system, which is the main support of development. This leads to an increase in interest in studying the development trends of the transport system in different countries of the world in accordance with the international standards in the context of different historical periods.

**Key words:** Water transport, Araks, Okuz, Oks, Jayhun, Termiz River, Vakhandarya, Pomirdarya, Gunt, Bartandarya and Vanch, Burdaguy Castle, Old Termiz.

Жахон транспорт тизимида сув ва хаво транспотларининг урни жуда каттадир. Айниқса, халқ хужалиги тараккиётида сув транспортининг ахамиятини алохида курсатиб утиш зарур. Транспортнинг ушбу тури арзон ва кулай булиб, катта микдордаги юкларни керакли манзилга етказиб бера олади. ^олаверса, сув транспорти мамлакат тараккиётида мухим роль уйнайди. Агар ер юзидаги юксак ривожланган давлатларга назар ташласак, уларнинг хаммаси денгиз ёки жахон океанига чиқиш имконини берувчи йирик даё буйларида жойлашганлигига гувоҳ буламыз.

Урта Осиёда XIX аср иккинчи ярмида Бухоро амирлигининг Россия империяси протекторатига айлантирилиши натижасида амирликнинг асосий савдоси рус бозорига йуналтирилади. Шунингдек, Россия империяси Урта Осиё оркали Афғонистон ва Ҳиндистонга нисбатан келажакда харбий-стратегик мақсадларини амалга оширишда Сурхон воҳаси кулай стратегик жойлашуви муҳим аҳамиятга эга эди.

Сув транспорти Сурхон воҳасида қадимдан бошлаб ривожланган. Негаки, воҳадан жанубда жойлашган улкаларга бориш учун Амударёдан утиш лозим булади. Амударё тарихий манбаларда Аракс, Укуз, Окс, Жайхун, Термиз дарёси номлари билан аталган. Бу дарё нафакат Марказий Осиёда, балки жаҳондаги йирик дарёлардан бири булиб ҳисобланади. Амударё Ҳиндикуш тоғининг 4000 метр баландликдаги шимолий ёнбағридан бошланиб, Помирдарёга келиб қушилгунча Вахандарё деб аталади. Зарқулдан оқиб чиқадиган Помирдарё Амударёнинг иккинчи манбаи ҳисобланади. Помирдарё эса бошланишидан Вахшга келиб қуйилгунча Панж, яъни беш дарё номи билан (Вахандарё, Помирдарё, Гунт, Бартангдарё ва Ванч) аталган. Амударёнинг узунлиги бошланиш қисми билан бирга ҳисобланганда 2620 км. ни ташкил қилади. Сурхондарё ва ʻорасув дарёси Амударёнинг охириги ирмоқлари булиб, кейинги 1400 км масофада унга битта ҳам бошқа ирмоқ қушилмайди. Дарё ʻоракум ва ʻизилқум чулларидадан утиб, сувини Орол денгизига қуяди.

Тарихий манбаларда ҳозирги Сурхон воҳасида Амударёдан жанубга утадиган еттита кечув булганлиги қайд этилади. Булар: Эски Термиз, Шуроб, Чучкагузар, ʻоракмар, Паттакесар, Айритом ва Хотинрабоддир. Бу кечувлар турли даврларда фаолият юритган булиб, энг қадимийлари Эски Термиз ва Шуроб ҳисобланади. Бу шаҳарларда кема тухтайдиган порт булган. Термизда портнинг мавжудлигига сабаб, биринчидан, бу ер дарёдан кечиб утиш учун кулай жой, иккинчидан, Бактрия пойтахти Бактра шаҳридан Термиз оркали Сугдиёна пойтахти Марокандга энг яқин йул утган. [1,В.27]

Ҳ,офизи Абрунинг маълумотига қура, Термиздан унча узок булмаган жойда, Амударё буйида энг қадимги кечув жойи булган. У Термиздан анча илгари асос солинган. Александр Македонский ушбу кечув ёнида Бурдағуй қалъасини қурдиради. Бу аҳолиси гавжум, хунармандчилик маркази булиб, унда қайиксозлар ва “шоҳ кечуви”га хизмат қиладиган қайикчилар яшар эди. Бурдағуй сузи юнонча “мехмонхона” маъносини беради.[2,В.93] Ҳ,офизи Абру томонидан қайд этилган Бурдағуй кечуви Термиздан 30 км гарбда, ҳозирги Шуроб қишлоғи урнида булганлиги аниқланган. Инглиз шарқшуноси В.Ф.Минорскийнинг фикрича, Бурдағуй асосида юнонча бузиб қурсатилган “пандоки” - мехмонхона сузи ётади ва у бир қатор шарқ тилларига ҳам кириб қолган. Б.Аҳмедовнинг фикрича, бу кечув Махмуд ибн Валининг асарида Яргоҳ ёки Ярдағу деб аталган. [3,В.95]

Хитойлик элчи Чжан Цянь Амударёни Гуй-Шуй деб атаб, уни кема юрадиган, савдогарлар молларини узок масофаларга олиб кета оладиган сув йули сифатида тилга олган. Полибийнинг (милоддан аввалги 201-120 йилларда) таъкидлашича, «Окс (Амударё) қатта кема юрадиган дарё булиб, ирмоқлари ҳисобига, Бактрияга қелганда, жуда йириклашиб кетади».

Термиз дарё порти Туроннинг энг жанубида, дарёнинг кечув жойига яқин, нисбатан баландроқ жойида қурилган. Гарчи бу ердан Амударё бурилиб окса-да, қирғоқларини ювиб қетмаган. Чунки Термиз қаттиқ қоялардан иборат тағлик устида барпо этилган. Юнон тарихчиси Арриан Флавийнинг (тахминан 95-175 йиллар) ёзишича, Оксинг қенглиги олти стадий қелади. У жуда чуқур булиб, оқими уюримли ва қучли. Шу боис, Александр Македонский қушини унинг кечувидан утгунча қуплаб отларидан айрилган. [4,В. 3,30,6]

Араблар босқини даврида ҳам Амударёдан сув йули сифатида қенг фойдаланишган. Масалан, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат Табарий (839-923 йй)нинг ёзишича, ʻутайба Чаганиён юқорисидаги Шуман ва Ахарунга юришидан қайтишда, Амударёда қайикка утириб, Чоржуйгача боради.

Термиз Амударё юқори хавзасининг асосий порти булган. ʻолаверса, Термиз минтақалараро транзит савдони амалга оширган. Шаҳарга қелган қарвонларга хизмат қилиш учун қупгина қарвонсаройлар қурилган эди. Ал-Муқаддасийнинг ёзишича, Термизда қуплаб қемалар қурилган.

Чоржуйдан Термизгача ва пастга караб Турткулгача килинадиган катнов бир ойга якин вақтни олар эди. Кам юк кутарадиган флотни Амударёда асосан кайиклар ташкил қилар ва уларнинг сони 1500 тани ташкил қиларди. Бу кайиклар маҳаллий урмонларда етиштирилган толлардан ясалган эди. Толлар асосан хул томирлари билан олинар ва ёғоч шираси билан буялар, бу эса ёғочни чириб кетишидан асрар эди. Маҳаллий толдан ясалган, палубаси булмаган ёғоч кемалар 20-40 тоннагача юк кутарар эди.[5,В.45] Бу кемаларнинг ташки корпуси каттик чоркирра(брус)лар билан узаро бириктирилган эди. Бундай кайиклар унчалик қувватли булмади, вазни ҳам оғир ва бошқаришда катта қийинчиликлар тугдирар эди.

Урта Осиёга Сибирнинг нина баргли урмонларидан ёғочлар кесиб келтирилиши натижасида рус хунармандлари улардан енгил кайиклар ясай бошладилар. Бу кемалар кейинчалик “урис кемалари” деб атала бошланди. Енгил кайиклар купайиши билан маҳаллий тол кайиклар истеъмолдан чиқиб кетди. Термиз шахрига барча юклар Самарқанддан куруклик йуллари ва Амударё орқали олиб келинар эди. Тошкентдан ва Самарқанддан юкларни етказишдаги қийинчиликлар бу ерга темир йул тортиб келиш масалаларини хал қилиш вазифаларини қуймоқда эди

Урта Осиё дарёчилари ва денгизчилари каторида Термиз дарё порти хизматчилари ҳам иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнат қилдилар. Кемачилар техника ва харбийларни, харбий юклар ва озик-овқатлар ва пахта ташишда катта хизмат курсатдилар. Урушдан кейинги йилларда иттифокдош республикаларда пахта экилишининг купайиши натижасида кемачиларга пахта ташиш учун эҳтиёж катта булди. Совет ҳукуматининг 1947 йилги қарорига қура, Термиз кемачилар флоти яна қушимча 70 та гилдиракли ва винтли кемалар ва 75 та кемалар ёрдамида тортиб юриладиган қушимча юк ташувчи мосламалар билан таъминланди. Кемаларнинг техник ва эксплуатация хизматларини ошириш мақсадида уларни қайта усқуналаш ва таъмирлаш бўйича катта ишлар олиб борилди. 1950-йилларда Термиз дарё порти замонавий ҳолда келтирилган. Энди тугридан-тугри темир йул ва сув транспорти орқали юкларни ташиш масаласи хал этилди. Натижада юк ташиш 282 минг тоннага етди. Портда саралашда қул меҳнати қул талаб қиладиган юклар сони қамайиб, комплекс механизация ёрдамида 243 минг тонна юк кемаларга ортилди.

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятида транспорт хизмати йилдан-йилга маълум маънода яхшиланиб борган бўлса-да, соҳада хали мавжуд қамчиликлар қул эди, транспорт таъминоти етарли булмаганлиги сабабли белгиланган режалар уз вақтида бажарилмай қолган ҳолатлар қул эди.

Транспорт тармоқларининг асосий тури ҳисобланган сув, авиация ва қишлоқ ҳужалигига хизмат қилувчи тизимлар халқ ҳужалиги учун муҳим ҳисобланиб, Сурхондарёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ижобий таъсир курсатди. Айниқса сув транспорти харбий-иқтисодий стратегик соҳа сифатида Россия, совет ҳокимияти, сунгра эса Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқ ҳужалиги соҳаси учун хизмат қилди. Айниқса, чегара хавфсизлигини таъминлаш, дарёнинг экологик муҳитини сақлаш, дарё суви ҳамда қирғоқлари билан боғлиқ усимликлар ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш борасида қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида Термиз дарё портини қайта таъмирлаш, янги замонавий техник жиҳозлар ва замонавий билимга эга ишчи-ҳодимлар билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилди.

## **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РҲЙХАТИ:**

1. Турсунов С Н ва бошқалар, Сурхондарё тарих қузгисида. - Тошкент: Шарқ, 2001. - Б.27.
2. Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения // Сочинения. Том VIII. -Москва: Наука, 1973. -С. 93.
3. Махмуд ибн Вали. Море тайн. Ташкент, 1977. -С. 95, 137, прим. 445.
4. Арриан. Поход Александра. Книга 3, 29, 2-6; Книга 3, 30, 6.
5. Ўзбекистон Миллий архиви, И 303-фонд, 2-руйхат, 144-иш, 45-варак.

**Хидиров Холмамат Джураевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси уқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Транспорт тармоқларининг сурхон воҳа иқтисодиётидаги аҳамияти.....56

**Bokiyev Anvar Axmedovich.** Termiz davlat universiteti O'zbekiston tarixi va manbashunoslik kafedrasida o'qituvchisi, Tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). "2016-2022 yillarda himoyasi e'lon qilingan PhD dissertatsiyalarida O'zbekiston tarixi davrlarining yoritilish tahlili (07.00.00 - Tarix fanlari ixtisosligi misolida)".....59

**Менглибоев Акмал Холтураевич.** Денов тадбиркорлик ва педагогика институтига тарих ва фалсафа кафедраси уқитувчиси тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Миллий озодлик ҳаракатининг иккинчи босқичи ва тарихий таҳлиллар (Сурхондарё округида мисолида) .....64

**Toshov Kamoliddin.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi. tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). Surxon vohasi ahlining frontdagi qahramonliklari..... 68

**Ergashev Mavlon Eshniyozovich.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). Chag'oniyon davlatining iqtisodiy asoslari..... 73

**Эргашева Сайёра Абдусоатовна.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта уқитувчиси. Сурхондарё вилояти анъанавий хунармандчилик артеллари турлари .....75

**Алимухамевова Нодира Ядгаровна.** Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш муҳандислари институти "Гуманитар фанлар" кафедраси катта уқитувчиси. Янги Ўзбекистонда миллий идентиклик масалалари.....80

**Саидусмонмон Шаропов Саидахмедович.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси уқитувчиси. Бухоро амирлигининг жануби-шарқий шаҳарларида ижтимоий аҳволи..... 84

**Choriyev Sanjar Hamzayevich.** Termiz davlat universiteti Jahon tarixi kafedrasida o'qituvchisi. Boltajon Sodiqov- tarixiy va adabiy mulohaza.....87

**Nazarov Otabek Muzrobovich.** Termiz davlat universiteti tadqiqotchisi. "Paxta ishi"ning matbuotda yoritilishi..... 90

**Хужанов Нуриддин Зиёдуллаевич.** Самарканд давлат университети таянч докторанти. Сугд ва Уструшона: араблар босқини арафасидаги отёсий жараёнларда..... 93

**Косимов Абдисаттор Чориевич.** Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси. Сурхондарё округида куйчилик соҳасини давлат назоратига олиш бўйича олиб борилган чора ва тадбирлари: натижалар ва муаммолар..... 100

**Мирзаджанов Бахтиёр Тулкунович.** PhD. Наманганский государственный университет. Вопросы представления национальных кадров в государственных органах Туркестана ....105

**Курбанов Бахтияр Журабаевич.** Наманган давлат университети Тарих кафедраси катта уқитувчиси. XX асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистонда темир йул тармоқларининг қурилиши ва иқтисодий эҳтиёж..... 109

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ Х.УДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ХАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ

SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER

*Илм келажасгимиз равнацидир*

СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР  
SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR  
СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ  
SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION

*Илмий маҷолалар журналы*

N-2 2023

## «СУРХОНДАРЕ: ИЛМ ВА ТАФАККУР» ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАРГА ҚУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

1. Журнал тахририятига тақдим этилаётган мақолага 1) муаллиф(лар) ишлаётган муассаса раҳбариятининг йўлланма хати; 2) эксперт ҳаёти далолатномаси 2 нусхада; 3) мақола ёзилган фан йўналиши бўйича фан доктори имзолаган (имзо тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) тақриз-тавсия илова қилинади (Изоҳ: Бу талаб четдан келадиган мақолалар учун).

2. Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

3. Қайси тилда ёзилишидан қатъи назар, мақолага ўқ тилда - ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотацияси ҳамда таянч сўз ва иборалар (калит сўзлар) илова қилинади.

4. Мақола журнал тахририятига «Microsoft Word» дастурида («Times New Roman» 14 ўлчамли шрифтда, сатрлар ораси бир ярим интервалда) терилган ҳолда икки нусхада, электрон варианты (флешка ёки СБД) билан топширилади.

5. Мақоланинг умумий ҳажми (раем, жадвал ва диаграммалар билан биргаликда) 8- 10 саҳифадан, илмий хабарларнинг ҳажми 4-5 саҳифадан ошмаслиги талаб этилади. Мақоланинг бир нусхаси муаллиф(лар) томонидан имзоланади.

6. Муаллифнинг фамилияси, исми шарифи, иш жойи, лавозими, у билан боғлиқлик мумкин бўлган манзил (ўй ваҳизмат телефон рақамлари, электрон почта) кўрсатилади.

7. Агар мақолага раем, жадвал, диаграмма, схема, чизма, турли график белгилар киритилган бўлса, ок;к;ора рангларда чизилган бўлиши, аниқ; ва равшан тасвирланиши, к;иск;артмаларнинг тулик; изоҳ,и ёзилиши лозим. Рангли раем, жадвал ва диаграммалари мавжуд мақолалар фақат истисно тарзида, қўшимча ҳаётларни муаллифлар ҳисобидан қоплаш шарти билангина қабул қилиниши мумкин. Формулалар матнга махсус компьютер дастурларида киритилиши керак.

8. Иқтибос олинган ёки фойдаланилган адабиёт сатр ости изоҳ,и тарзида эмас, балки мақола охирида умумий рўйхатда кўрсатилади. Матн ичидаги қўшимчадан сўнг иқтибос олинган асарнинг рўйхатдаги тартиб раами ва саҳифаси квадрат к;авс ичида берилди. Бу ўринда китоб, тўплам, монографиялар ўқун муаллифларнинг исм- фамилиялари, манбанинг тулик; номи, нашр кўрсаткичи (шаҳ,ар, нашриёт ва нашр йили) кўрсатилади. Журнал мак;олалари ва бошқ;а даврий нашрлар ўқун муаллифларнинг исм- фамилиялари, мак;ола номи, журнал номи, йили ва сони, саҳ,ифа номери кўрсатилади.

9. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган мақолалар тах,ририят томонидан қабул қилинмайди ва қўриб чиқилмайди.

10. Тахририятга тақдим қилинган мақола энг аввал муаллифлик нуқтаи назардан текширилади. Матнда плагиат аниқланган тақдирда мақолани қўриб чиқиш тўхтатилади. Тах,ририят плагиат ҳолати аниқланган мақолалар юзасидан муаллиф фаолият юритаётган муассасага қўриб олинган манбаларни илова қилган ҳолда ахборот юбориши мумкин. Плагиатга йўл қўйган муаллифларнинг мақолалари кейинги ўқ йил давомида қабул қилинмайди.

11. Муаллифлик жихдидан текширувдан ўтган мақола тах,ририят томонидан ўрнатилган тартибда тақризга берилди. Мақола тақриздан қайтгач, агар зарур бўлса, барча савол ва эътирозлар бўйича муаллифга қайта ишлаш ўқун тақдим этилади. Мақола нусхалари муаллифларга қайтарилмайди.

12. Ижобий тақриз олган мақола тах,ририят томонидан қабул қилинган саналади. Журнал тахририяти мақола матнини қисқартириш ва ўнга тах,ририй ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

13. Профессор-ўқитувчилари томонидан тақдим қилинган мақолалар муайян йўналишлар бўйича тахририят аъзоларининг ёки фан докторларининг тақриз-тавсияси (тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши лозим) асосида қабул қилинади.